

# Ishonch

2019 йил 15 январь • сешанба • № 7-8 (4137)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## МИЛЛИЙ АРМИЯ ВА ХАЛҚИМИЗ ҚАНЧА ЯҚИН, БИР ТАН-У БИР ЖОН БЎЛСА, ШУНЧА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлариغا мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳарбий кунонан, ордун ва медаллар билан тақдирланди. 14 январь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев йиғилганларни Ватан ҳимоячилари куни билан таъбирлаб, уларга мукофот топширишни юксак шараф деб билишини таъкидлади.

Бу мукофотлар сизларга айнан Ватан ҳимоячилари кунинда топширилаётганида чуқур рамзий маъно бор. Биз бу байрамда Қуролли Кучларимизни, барча аскар, сержант, офицер ва генералларни, муҳтарам фахрийларимизни шарафлаймиз, уларга энг эзгу тилакларни билдираемиз. Сизларнинг тинсизингизда ҳозир бутун армиямизни, барча ҳарбийларимизни қўллаб тургандек бўлаёман. Жонажон Ватанимиз ҳимояси ва тинчлиги йўлидаги фидокорона хизматингиз ва жасоратингизни ҳаммамиз яхши биламиз, юксак қадрлаймиз. Шу маънода, бу мукофотларни халқимиз ва давлатимизнинг Қуролли Кучларимизга, унинг барча шахсий таркибига кўрсатётган чексиз эътироми сифатида қабул қилишингизни истайман, деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва интеллектуал тайёргарлигини юксалтириш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, полигонларда ўқув машғулоти ўтказилмоқда. Ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мудофаа тизимида инсон омилни ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўз қасамидега содиқ, кенг билим ва малакага эга, ақл-заковатли, мард ва азм-у шижоатли ҳарбийлар армиянинг қудратли кучидир. Ҳалабани таъминлайдиган ҳам, шахсий таркибини тарбиялайдиган ва ўз ортидан эргаштирайдиган ҳам шулар.

Ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга тайёр миллий армиямиз – халқимиз, мамлакатимизнинг ишончли ва мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун биз ҳозирги кунда ҳарбий кадрларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги билан бирга, ватанпарварлик тарбиясига жиддий аҳамият қараяпмиз. Яъни, ҳар бир аскар ва сержантда, офицер ва генералда, бутун шахсий таркибда миллий рух

ва гуруҳ кучли бўлиши керак. Миллий рух – бу энгилмас куч. Миллий рух кучли бўлса, ирода, жанговар салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдирини учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темурабди буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси ҳамда эл-юртимизнинг ишончи, ғамхўрлиги ва эътиборидан олади. Ёшларга ҳаммаш ўрнак ва намуна бўлиб келаятган сиз каби чинакам фидойи ҳарбийлардан олади, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўплигини, ҳарбий-маъмурий секторлар ишини такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб қолишини қайд этди. Барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, таълим-тарбия муассасалари, кенг жамоатчилик вакиллари билан амалий ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Миллий армия ва ҳарбийларимиз халқимизга қанча яқин, бир тан-у бир жа бўлса, шунча қудратли бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Қуролли Кучлар сафида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида кўп йиллардан буён муносиб хизмат қилиб келаятган ҳарбийлар ва раҳбар ходимларнинг бир гуруҳига генерал унвонлари берилиши маълум қилинди.

Генерал бўлиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг орзуси. Сизларни ана шундай юксак унвонга эришганингиз билан чин қалбимдан табриклишимиз. Лекин шунинг эҳтида тунтишимиз керакки, ҳарбий хизматда ва давлат бошқарувида бундан ҳам юқори мартаба, бундан ҳам олий унвон бор. Бу – халқимиз, Ватанимизнинг ишончига, ўз муқаддас бурчига доимо содиқ ва муносиб бўлишдир, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига унвонлар, ордун ва медалларни тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар юксак эътибори, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

## Бир гуруҳ ҳарбийларга давлат мукофотлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъуллари, офицер ва генераллар, сержант ва курсантлар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Абдусалом Азизов сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, армияни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.



Президентимизнинг 2019 йил 11 январьдаги «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги

фармони билан тақдирланган ҳарбийларга II даражали «Шон-шараф», «Дўстлик» ордени, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» медаллари тантанали равишда топширилди.

**«Фақирлик»дан «беклик»ка ўтиш фурсати етмадими?**

**«Фуқаро» атамасининг моҳияти хусусида мулоҳазалар**

5 ▶

**Анна Терманнинг «Умид» юлдузи**

Кўпчилик Анна Терманнинг ўзбекистонлик эканини билмайди. Ҳа, шундай. Аннанинг киндик қони Урганчда томган. Бўлажак юлдуз 1936 йил 14 февраль куни Евгений Герман ва Ирма Мартенс оиласида дунёга келган.

8 ▶

Самарқанд вилояти

Президент ташрифидан сўнг...

## Ишонч тобора мустаҳкамланмоқда

Давлатимиз раҳбари 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз ўтган йил вилоятга ташрифи чоғида аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудни янада ривожлантириш, «замин сайқали» дея таъриф берилган Самарқанднинг нуфузини янада юксалтиришга қаратилган кўплаб вазифаларни белгилаб берган эди. Бу галги ташриф асносида ана шундай улғувор ишларнинг ижроси, янги лойиҳалар тақдими давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлди.

3 ▶

Азиз «Ishonch» мухлислари!

Севимли нашрингиз – «Ishonch» газетасини ўз вақтида оляпсизми? Агар бу борада шикоятларингиз бўлса куйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Тел.: (71) 256-87-73  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
Телеграм: @ishonch\_gazetasi

**Сизнинг фикрингиз биз учун муҳим!**

**Эшитганингга эмас, ёққанингга ишон!**

ёхуд газ таъминоти чиндан яхшиланди(ми?)

Келгуси сонларда ўқинг

Янги руҳингиз:

**ОЧИҚ ИНТЕРВЬЮ**

Келгуси сонларда ўқинг









Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги «Уй-жойлар қуришни ривожлантириш бўйича мақсадли Дастурларини самарали амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3480 сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-01

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 15 январь Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

- 1-тип: Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар; 2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

- 1. Тендер иштирокчилари куйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин. 2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини куйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади. 3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади. 4. Тендер иштирокчилари кўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига куйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Table with 3 columns: Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Фарғона вилояти. Includes addresses, phone numbers, and fax numbers for each region.

5. Тендер ҳужжатларини нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари куйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: «... вилояти, ... тумани, ... массивидаги, ... лот ... та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим. Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўпلام танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲ га тенг.

Table with 3 columns: Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Фарғона вилояти. Includes bank names, INN numbers, and account numbers for each region.

Тендер ҳужжатлари куйидаги тартибда тақдим этилиши лозим: Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига. Таклифларни тақдим этиш сўнги мuddатига: Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача. Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охириг кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида куйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Table with 3 columns: Бухоро вилояти ҳокимияти, Қашқадарё вилояти ҳокимияти, Фарғона вилояти ҳокимияти. Includes addresses, phone numbers, and fax numbers for each region.

Кўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Table with 6 columns: Уй типлари, Талаб этилган йиллик ўртача айланма маблаг (сўм), Қурилиш маъласи ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм), Сўнги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³, Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³, Сўнги 3 йилда қуриб биттирилган уйлар майdonи м².

Шартнома (лот)лар рўйхати

Main table listing lots with columns: Т/р, Худуд, Қишлоқ аҳоли пункти номи, Хонадон сони, Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар (сони, хонадон, уй рақами), Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га) (сони, уй рақами), Таклифларни топириш охириг мuddати.



